ФОРОБИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИДА ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР МАСАЛАСИ

Ф. Юлдашев

Мақолада билиш назарияси муаммоларидан бири бўлган фалсафий тафаккур масаласи илмий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган.

***Калит сўзлар**: диалектика, интеллект, интуиция, пантеизм, мистика.*

В статье с научно-философской точки зрения рассмотрены вопросы философского мышления как одной из важнейших проблем теории познания.

***Ключевые слова**: рационалистическая тенденция, диалектика, интеллект, интуиция, пантеизм, мистика.*

The article studies one of the problems of theory of cognition – philosophical thinking problem as one of he main points of this issue.

***Key words**: rationalism, dialectics, intellect, intuition, panteism, mystery.*

Абу Наср Форобий Афлотун ва Арасту изидан бориб, инсон ақли ва тафаккури ҳаёт ҳақиқатини очиб беришга қодир, деган хулосага келади. Мутафаккир ақлни ижобий йўналишда ривожлантириш инсоннинг келажагини белгиловчи омил ва куч-қудрат эканини назарий жиҳатдан асослаб берган: “Ақлли деб шундай кишига айтиладики, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга, у фазилатли ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга ва тортишга қаратган бўлмоғи лозим. Шундай одамнигина ақлли ва тўғри фикр юритувчи деб аташ мумкин” [1.108].

Форобий билиш назариясининг умумфалсафий масалаларни ёритар экан, энг аввало, ақл ва фалсафий тафаккур муаммоларини ўртага қўяди. Билим ва ақл муаммоларини таҳлил этишда Форобий антик дунё мутафаккирлари қолдирган ва ўзи бойитган математика, астрономия, филология, мусиқа каби фанларга доир билимлардан кенг фойдаланди.

Форобий фалсафасида билиш назарияси диалектик тарзда талқин этилади, “назарий ақл”, “амалий ақл”, “воқеий ақл”, “фаол ақл” каби билиш жараёнининг босқичлари ўзаро бир-бирини тақозо этган ҳолда юксакликка эришиб боради. Форобий таълимотига кўра, инсондаги ақл-заковат (“ақлий қувват”) борлиқнинг турли-туман кўринишлари инъикосидир. Инсон ўзидаги ақл-заковат ёрдамида аввал ерда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар сабабларини, сўнг эса осмон жисмларининг сир-асрорини билади. Инсоннинг одам ва олам тўғрисида тўплаган билимлари, яъни ақл воситасида яратган маънавий бойликлари ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди. Инсон ақли олам сирларини билишда энг юксак чўққига кўтарилганда “кайҳоний ақл”, “кайҳоний руҳ” билан қўшилади, яъни илоҳийлик касб этади. Форобий таълимотида ақл концепцияси етакчи ўринни эгаллайди. Буюк даҳонинг фикрича, ҳақиқатга – муҳокама ва ақл орқали борилади, аммо унга эришиш учун фақат ақлнинг ўзи кифоя эмас, бунинг учун ички оламни поклаб бориш керак.

Мутафаккирнинг фалсафий таълимоти Аллоҳ оламнинг яратувчиси, деган теологик тасаввурга асосланади. Аммо, таъкидлаш зарурки, Форобий фалсафанинг ўрганиш предмети сифатида теологларга ўхшаб Аллоҳни ёки эътиқодни эмас, балки ақл

мавзусини асос қилиб олди. М.Хайруллаев фикрича, Форобийнинг ақл табиати ва илмий-назарий тафаккур моҳияти ҳақидаги қарашлари теологик ва сўфийлик таълимотларига бутунлай қарама-қаршидир [4.123].

Форобийнинг “Уйун ул-масоил” (“Масалалар моҳияти”), “Фозил одамлар шаҳри”, “Ақл сўзи маънолари ҳақида” асарлари М.Хайруллаевнинг бу фикрини тасдиқлайди. Аслини олганда, буюк мутафаккирнинг барча асарларида ақл мавзуси, унинг фалсафий назарий томонларига оид мулоҳазалар, фикрлар мавжуд. Буни файласуф олим А.Х.Қосимжонов ҳам таъкидлаб, Форобийнинг “Ақл сўзи маънолари ҳақида” номли асари инсон ва унинг интеллекти, заковати тўғрисидаги билимларни ривожлантиришга катта таъсир кўрсатди. Форобийнинг “Кимё фани вожиблари”, “Галенга эътироз” номли асарлари ҳам унинг инсон ақли ҳақидаги қарашлари бениҳоя кенг доирада эканлигини кўрсатади” [1.11], деб ёзади. “Форобий инсон ақли ва борлиқ бирлигининг диалектикасини очиб берди,– дейди А.Қосимжонов,– аммо бу диалектик ёндашув объектив идеалистик тушунчага асосланган бўлиб, унга аввалу-абад-илоҳий ақл ғояси сингиб кетган” [5.74].

Бу ҳолатни Форобийнинг ақл босқичлари тўғрисидаги қарашларида яққол кўриш мумкин. Унинг ақл тўғрисидаги таълимоти билиш назариясини рационалистик характерда тушунишини кўрсатади. Форобий гносеологияси инсоннинг билиш қобилияти, ақлий қувватини тушунтириш, фанни улуғлаш, фалсафани диндан ажратиш, илмий билимларни мистик, диний тасаввурлар таъсиридан қутултириш, табиатни ўрганиш, билимнинг илмий усулларини ривожлантиришга қаратилган бўлса-да, айрим мистик томонлардан ҳам холи эмас эди. Форобий ислом динини фалсафий жиҳатдан асослади, ақл масаласини ҳам айнан шу йўналишда тушунтирди.

Форобийнинг ақл-интеллект тушунчасини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиши ўрта асрлар ижтимоий-фалсафий тафаккурида ақл масаласи қандай тушунилганини таснифлашга асос бўлади. Форобий ақл тушунчаси 6 хил маънода, бир-бирига боғлиқ бўлган олти турли мазмунда қўлланишини кўрсатиб ўтган [2.150]. Бошқа замондошларидан устунлиги шундаки, Форобий ақл тўғрисидаги турли қарашларни ўзаро зид қўймайди, балки улар бир-бирини тўлдириб, ўзаро бойитиб боради деб ҳисоблайди. Буни Форобийнинг “Ақл сўзи маънолари ҳақида рисола”сида яққол кўрамиз.

Форобий ақлни икки аспектда – ҳар бир инсоннинг табиий ҳислати сифатида мавжуд бўлган ақлий қувват ҳамда умуминсониятга хос бўлган ақлий билишнинг тараққиёти, ривожи нуқтаи назаридан таҳлил қилади. “Ақлий қувватни инсоннинг ажралмас хислати сифатида талқин этар экан, Форобий уни аввало иккига, назарий ва амалий ақлга ажратади. Ақлнинг камолотга эришмоғи учун табиий ва руҳий кучларнинг ўзи етарлими, деган масалани ўрганиб, улар етарли эмас дея жавоб қилади. Хуллас, энг олий камолотга эришиш инсонга табиати ва фаолиятига қўшимча иккита: амалий ва назарий фикрий қувватлар зарурдир” [3.105] деб таъкидлайди.

Форобий инсон ақли билан борлиқнинг диалектик бирлигини идеалистик мавқеда туриб очиб беради. Ақл ва борлиқнинг бирлиги – илоҳий ақлда, деган ғоя унинг таълимотига сингиб кетган. Форобий инсон ақлини оддий “ой ости дунёси”да яшовчилар ҳаракатининг сабабчисигина эмас, балки “фаол” ақл оламнинг ички табиатига хос қонуниятидир деб тушунтиради. Алоҳида одамнинг, индивиднинг ақли узлуксиз равишда самовий (космик) ақл билан қўшилгандагина ривожланади. Самовий ақл абадий. Индивид ақли ўткинчи, ўлимга маҳкум. Шу масалалар доирасида “фаол” ақлнинг моҳияти ва аҳамияти кўриб чиқилади.

Форобийнинг ақлий салоҳият тўғрисидаги қарашлари ўзига хос мураккаб диний, сиёсий, фалсафий, мафкуравий шароитда ўртага ташланган. Жамиятда, халқ орасида шариат ва тасаввуф мустаҳкам ўрин эгаллаган бир шароитда фалсафа эндигина шаклланаётган эди.

XX аср Эрон мутафаккири Саййид Муҳаммад Ҳотамий ёзишича, мана шундай тарихий шароитда инсоннинг улуғ қуроли бўлган ва уни бошқа жонзотлардан мумтоз этадиган ақлга мурожаат этиш зарурати вужудга келди, натижада мусулмонлар табиий равишда ақлий мушоҳадага мурожаат қила бошладилар. Шу жараёнда, “илк фанлар”нинг, яъни табиий-илмий фанларнинг яратилиши, антик дунё фалсафаси ва билимларининг ўзлаштирилиши, етук олимларнинг бошқа халқлар эришган фикрий ютуқларга эътиборни кучайтириши оқибатида шарқона рационализм ислом оламида тобора юқори мавқе эгаллай бошлади. Ислом кириб келиши билан ақлга жиддий эътибор берила бошланди. Натижада, бир томондан, рационализм билан шариат орасида, иккинчи томондан, қалб ва ақл орасида кучли зиддият вужудга келди [1.11]. Айни зиддият ва уларни ҳал этишга интилиш мусулмон маданиятига улкан таъсир кўрсатди.

Абу Наср Форобийнинг илмий фалсафий таълимоти, Саййид Муҳаммад Ҳотамий ёзишича, бир томондан, “Ҳақиқат”ни ақлдан ташқари бир куч, иррационал мавжудлик деб билиб, унга мушоҳада орқали етишишни асосий восита ҳисоблаган тасаввуф фалсафасига қарши курашга чиқди.

Иккинчи томондан, ҳижрий сананинг III-IV асрлари оралиғида буюк “муаллим ус-соний” (“иккинчи муаллим”) Форобийнинг ижодий камолоти билан ислом фалсафасининг мустаҳкам пойдевори қурилдики, у “ваҳийнинг ақл ва диннинг фалсафа билан” уйғунликда мавжуд бўлиши учун шароит яратишга хизмат қилиши керак эди. Шуни айтиш зарурки, кўриб чиқилаётган даврда турли хил диний-ғоявий ва фалсафий оқимлар бўлиб, уларнинг “Ҳақ” (Аллоҳга) ва оламга, инсонга бўлган муноса-

батлари турлича эди. Бу оқимлар баъзи масалаларда қарама-қарши, гоҳида эса муштарак қарашларга эга эдилар. Ақл масаласини таҳлил этишда ҳам шу ҳолни кўрамиз. Масалан, Абул Ҳасан Ашъарий калом таълимотига асос солиб, диний ва ақлий тушунчаларни қарама-қарши қўйган бўлса, унинг мактаби издошлари бўлмиш мўътазилийлар илмнинг рационалистик йўлини давом эттирдилар.

Маълумки, Форобий яшаган даврда табиий-илмий дунёқарашлар шаклланаётган, диний дунёқараш асосига бир мунча путур етган, фалсафа эса дунёқараш сифатида иқтидорли одамлар ақл-иродасини эгаллаётган ғоявий-мафкуравий жараён кечаётган эди. Дин, фалсафа, мантиқ ва майдонга чиқаётган моддиюнчилик атеизми ўртасидаги шиддатли кураш ақл масаласини ўткир илмий-фалсафий муаммо сифатида ўртага қўйган эди.

Форобийнинг фалсафий қарашлари, жумладан, ақл ҳақидаги таълимоти вужудга келган ижтимоий-тарихий, маданий, фалсафий шарт-шароитларни тадқиқ қилишда Шарқ аристотелизми деб аталган янги йўналиш асосчиларидан бири Абу Юсуф Ибн Исҳоқ ал-Киндийнинг (800–879) илмий-фалсафий мероси ҳақида тўхталиш зарур. Ундан 150 га яқин асар қолган бўлиб, бир қисми фалсафа ва уни ўрганиш, мантиқ, инсон ақли каби масалаларга бағишланган. Ал-Киндий фалсафа предметини бошқа фанлар ўрганадиган мавзулардан фарқлаб кўрсатади. Ал-Киндий юнон фалсафий таълимотларини ўрганиш, тушунтириш ва тарғиб қилишга катта аҳамият бериб, Арасту фалсафасига алоҳида эътибор қаратган. Шу туфайли ҳам уни биринчи йирик “арастучи” деб атаганлар, у Абу Наср Форобийнинг бевосита ўтмишдоши эди.

Маълумки, Ўрта асрларда фалсафий фикрлар неоплатонизм таъсирида уч йўналишда ривожланди. Сўфизм – унинг теософиясида неоплатонизм ғоялари ўзининг чуқур ифодасини топган. “Ихван ас-Сафо” (“Софлик биродарлари”) таълимоти неоплатонизм, перипатетизм фалсафалари таъсирида майдонга чиқди. Учинчи йўналиш Форобий каби даҳоларнинг дин ва фалсафани қўшишга доир саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ майдонга келди ва узоқроқ умр кўрди. Чунки даҳрийлар ғояси худони эмас, асосан, ваҳийни, пайғамбарликни инкор этишга қаратилган эди. Бошқача айтганда, мағзи диндан иборат бўлган ўша даврнинг ақл фалсафаси ислом дини асослари ва цивилизациясига қарши чиққан эмас. Мисол учун, замонасининг атоқли файласуфи Закариё Розий худони инкор этган эмас, балки ақл – ҳақиқатни билиш воситаси, Худонинг мавжудлиги ва абадийлигини англаш учун ақл кифоя дея эътироф этган. Ушбу фикрлардан келиб чиқадики, ислом фалсафаси шаклланишининг илк давридаёқ олимлар энг аввал Ҳақни (Худони) тан олиб, шу асосда олам ва инсон ҳақида ижодий тафаккур юритганлар. Шунингдек, Абу Наср Форобий ҳам Аллоҳнинг мавжудлиги, унинг қудрати азалийси ва унга иймон масаласида ақлий муҳокамалар доирасидан чиқмагани ҳолда дин ва фалсафанинг бирга яшаши мумкинлигига ишонган, натижада унинг хулосалари дин ва шариат талабларига мувофиқ келган. Айни вақтда, мутафаккир дин, шариат ва фалсафани ўзаро келиштириш томон йўл тутганида ўз замонасидаги сиёсий-мафкуравий вазиятдан келиб чиққани, яъни шариат ва тасаввуфнинг ҳукмрон мавқеини ҳисобга олгани ҳам шубҳасиздир.

Ҳар ҳолда, VIII асрнинг иккинчи – IX асрнинг биринчи ярмида дунёвий билимларнинг интенсив ривожланиши натижасида динга зид бўлган рационал оқимнинг юзага чиқиши ваҳий ва ақл тўқнашувида пайдо бўлган энг муҳим ҳодисалардан бири бўлди. Бу шароитда Форбийнинг билиш, мантиқ, ақл ҳақидаги фикрлари, унинг инсон ҳақидаги таълимоти акс этган “Ақл сўзи маънолари ҳақида” рисоласи муҳим воқеа бўлди.

Хуллас, Форобий яшаган даврда табиий-илмий фанларнинг ҳар томонлама ривожланиши инсон тафаккури қаршисида кенг имкониятлар очди. Мавжуд ижтимоий-фалсафий таълимотлар ҳам табиий-илмий жиҳатдан, ҳам халқ ҳаракатлари томонидан қудратли таянчга эга бўлди. Бу эса инсон тафаккурининг эркин нафас олиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитни юзага келтирди.

Адабиётлар:

1. Аль-Фараби. О разуме и науке.- Алма-Ата: Наука, 1975.- 349 б.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.- Т., 1993.- 173 б.
3. Хайруллаев М. Мировоззрение Фараби и его значение в истории философии.- Т.: Фан, 1967.- 356 б.
4. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири.-Т.: Ўзбекистон, 1971.- 380 б.
5. Гафуров Б., Касимжанов А. Аль Фараби в истории культуры.- М.: Наука, 1975.- 400 б.
6. Ф. Юлдашев. Абу Наср Форобийнинг “Фи маъоний ал-ақл” асарида гносеологик масалалар”.- Т.: Тамаддун, 2012.- 136 б.

Фарғона давлат университети,
2015 йил 27 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Абдуллаев)